

YOSHLAR OVOZI

Biz ~ kelajak bunyodkorimiz!

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАР МАМЛАКАТ РАВНАҚИ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёкорлик ва ободонлаштириш ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, йирик лойиҳалар билан яқиндан танишиш, ҳақ билан мулоқот қилиш мақсадида 13 апрель куни Сирдарё вилоятида бўлди.

Мустиқлик йилларида вилоят ҳар томонлама ривожланди, шаҳар ва қишлоқлар обод бўлиб, аҳоли фаровонлиги ошди. Худудда амалга оширилаётган ички ислохотлар самарасида қурилиш, қишлоқ ҳўжалиги тармоқларида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, ижтимоий соҳаларни ривожлантиришда салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Президентимиз ўтган йил 17 май куни вилоятга ташриф буюриб, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёни билан танишган эди. Ўтган вақт мобайнида вилоятда улкан ишлар амалга оширилди. Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастури доирасида 2017 йил якунига қўра, умумий қиймати 507 миллиард 200 миллион сум инвестициялар ўзлаштирилиши ҳисобидан 1 минг 108 лойиҳа доирасида янги қувватлар ишга туширилиб, 6 минг 200 иш ўрни яратилди.

Давлатимиз раҳбари бу гаги ташриф давомида вилоятни янада ривожлантиришга қаратилган қатор лойиҳаларнинг амалга оширилиши, берилган топшириқлар ижроси билан танишди.

Шавкат Мирзиёев дастлаб Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги "Бек кластер" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма

корхона томонидан ташкил этилган замонавий гидропоник иссиқхонада бўлди, ишчилар билан мулоқот қилди. Президентимизнинг Сирдарё вилоятига ўтган йилги ташрифи чоғида "Бек кластер" корхонасини ташкил этиш лойиҳаси тақдим этилган эди. Ушбу лойиҳа маъқулланиб, давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори қабул қилинди. Қисқа вақтда корхона ташкил этилиб, унга вилоятдан 18 минг гектар ер ажратилди. Ушбу ерларда пахта, галла ва бошқа донли экинлар парваришланмоқда. Замонавий техникалар харид қилинган.

Мазкур кўп тармоқли кластер томонидан Мирзаобод туманида 100 гектар майдонда Жанубий Корея технологияси асосида замонавий гидропоник иссиқхона барпо қилинаётди. Бу ерда йилга 50 миллион долларлик маҳсулот етиштириш ва уни 100 фоиз экспортга йўналтириш мўлжалланмоқда.

Айни пайтда «Бек кластер» қўшма корхонаси қошида ўсимлик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва текшириш имний-амалий маркази фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган. Бу ерда тупроқ таҳлили, ўсимликлар биотехнологияси ва химояси, селекция ва пахта уруғчилиги, полза ва сабзавот уруғчилиги, ўсимликлар генетикаси лабораториялари очилди. Асосий мақсад қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, озик-овқат хавфсизлигини таъминлашдан иборат. Ушбу лойиҳалар амалга оширилиши натижасида минглаб янги иш ўринлари яратилади.

Давлатимиз раҳбари иссиқхона конструкциялари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, мева-сабзавотчилик бўйича мутахассислар тайёрлаш, кластер қошида ташкил этилган имний-амалий марказ фаолиятини такомиллаштириш юзасидан кўрсатмалар берди.

Шундан сўнг М-34 «Тошкент — Душанбе» автомобиль йўлининг 117-146 километрларидаги Тошкент кўчасида амалга оширилаётган ободонлаштириш ишлари билан танишди. Ушбу йўлнинг икки километрида намуна сифатида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилган. Махсус пёдаллар йўлакчаси, велосипедда ҳаракатланиш учун алоҳида йўлак ташкил этилган ҳамда замонавий энергия тежамкор тўнги ёриткичлар ўрнатилиб, кўча бўйлаб манзарали дарахт кўчатлари экилган.

Тошкент кўчаси бўйлаб вокзал, автобус бекатлари, масжид, сайёҳлик маркази, маданият ва маший кизмат кўрсатиш маркази, бозор, диагностика маркази каби ижтимоий соҳа объеклари барпо этилади. Мазкур кўча 2018-2019 йилларда қурилиб, фойдаланишга топширилади.

Йўл бўйидаги инфра-тузимида объекти қурилишига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Уларнинг бир-бирига ҳаммадан бўлиши, умумий концепция касб этиши мақсада мўвофиқ, — деди Президент. — Йўл қурилишида шўшма-шўшар қилиш керак эмас. Бу бордада сифат асосий кўрсаткич бўлмоғи лозим. Йўл бўйидаги темир тўсиқлар йўловчиларга асло ҳалақит бермаслиги керак.

Тадбиркорлик, таълим, фан ва технологиялар, туризм йўналишлари бўйича давра суҳбатлари бўлиб ўтди. Уларда турли мамлакатлардан ташриф буюрган тенгдошларимиз маъруза қилди. Масалан, Германиядан келган иштирокчи, Дрезден университетининг илмий ходими Хусниддин Алиқулов илм-фани-жамоатчилик ишларидан озод қилиш ижобий натижа бериши таъкидланди.

— Илм-фан тараққиёти мамлакат келажagini белгилайди, — деди Х.Алиқулов. — Кўпгина ривожланган мамлакатлар замонавий технологиялар ҳамда инновациялар орқали мислсиз натижаларга эришган. Улардан бири Япониядир. Магистратуранини шу давлатда ўқиганман. Ҳозир экологик тоза электр энергиясини яратиш бўйича Германияда илмий иш олиб бораёман. Ўзбекистон Фанлар академиясининг "Физика-Кўёш" имний-ишлаб чиқариш бирлашмаси Физика-техника институтини билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйганмиз. Она юртимда "Ёш ватандошлар" фестивали ўтказилишини эшитиб, суюндим. Мен Ўзбекистон раванқи йўлида меҳнат қилишни ўзим учун шараф деб биламан.

Давра суҳбати давомида амалий ишларга ҳам қўл урилмоқда. Чет элдан келган меҳмонлар билан ҳамкорликда турли лойиҳаларни амалга ошириш борасида келишиб олинди. Самарқанда, Бухоро шаҳарларида уч ва тўрт юл-



ВАТАНГА ХИЗМАТНИ САОДАТ БИЛИНГ!

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида "Ёш ватандошлар" халқаро фестивалининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбиркорлик, таълим, фан ва технологиялар, туризм йўналишлари бўйича давра суҳбатлари бўлиб ўтди. Уларда турли мамлакатлардан ташриф буюрган тенгдошларимиз маъруза қилди. Масалан, Германиядан келган иштирокчи, Дрезден университетининг илмий ходими Хусниддин Алиқулов илм-фани-жамоатчилик ишларидан озод қилиш ижобий натижа бериши таъкидланди.

— Илм-фан тараққиёти мамлакат келажagini белгилайди, — деди Х.Алиқулов. — Кўпгина ривожланган мамлакатлар замонавий технологиялар ҳамда инновациялар орқали мислсиз натижаларга эришган. Улардан бири Япониядир. Магистратуранини шу давлатда ўқиганман. Ҳозир экологик тоза электр энергиясини яратиш бўйича Германияда илмий иш олиб бораёман. Ўзбекистон Фанлар академиясининг "Физика-Кўёш" имний-ишлаб чиқариш бирлашмаси Физика-техника институтини билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйганмиз. Она юртимда "Ёш ватандошлар" фестивали ўтказилишини эшитиб, суюндим. Мен Ўзбекистон раванқи йўлида меҳнат қилишни ўзим учун шараф деб биламан.

Давра суҳбати давомида амалий ишларга ҳам қўл урилмоқда. Чет элдан келган меҳмонлар билан ҳамкорликда турли лойиҳаларни амалга ошириш борасида келишиб олинди. Самарқанда, Бухоро шаҳарларида уч ва тўрт юл-



дузли меҳмонхоналар қуриш тақлифи билан чиқдим, — деди Владивосток шаҳридан келган тадбиркор Муҳсин Жўраев. — Тақлифини маҳаллий ёш тадбиркорлар кўлаб-қувватлади. Фестивалга ҳамкорлик ришталарини боғлаш мақсадида келдим. Бугунги мулоқот давомида Ўзбекистонда тадбиркорларга берилган имкониятлар тўғрисида тўлиқ маълумот олдим. Давра суҳбатидан сўнг, меҳмонлар "Зарқайнар" мажмуасида бўлиб, юртимиздаги истеъодли ёш дизайнерлар коллекцияси намоишидан баҳраманд бўлди. Фестиваль тадбирлари Самарқанд ва Бухоро вилоятларида давом этади.

Самарқанда, Бухоро шаҳарларида уч ва тўрт юл-

TASHABBUS

БИРДАМ БЎЛГАНИМИЗ БОШҚАЧА



Сардор БЕКЖОНОВ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини бошлаганидан буюн ёшларнинг кенг қатламлари манфаатларини ифода этиш, муаммоларига эътибор қаратиш тамойилини устувор деб билади. Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда деярли барча соҳа тармоқлари ва давлат тузилмаларида ташкилотнинг қуйи бўғинлари фаолият кўрсатмоқда.

Хусусан, ўтган вақт мобайнида Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси билан қўшма қарор ва меморандумлар имзолаган. Шунга мўвофиқ, мазкур тузилмаларда ёшлар билан ишлайдиган 227 та бошланғич ташкилот тузилди. Биргина ҳарбий қисмларда уларга аъзо бўлган ёшлар сони 47 минг 650 нафардан ошгани ҳам қатта натижа. Ўтаётган ҳафтада Бўстонлиқ туманидаги "Ёшлар оромгоҳи" да Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кўчлари тизимидаги Ёшлар иттифоқининг етакчилар кенгаши раислари ҳамда бошланғич ташкилотлари етакчилари — жами 241 нафар вакил учун ўқув-семинари ташкил этилди.

(Давоми 2-саҳифада)

ШИРИН "БҮРГУТЛАР"И БИРИНЧИ

4 ОИЛА саклаб қолинди

НОМИ ЙЎҚ ҚИШЛОҚ

2

Санжарбек МАҲМУДЖОНОВ,
Бейкент университети талабаси (Туркия):

— Ватанимга тез-тез келиб тураман. Ҳар сафар янги таассуротлар билан қайтаман. Чунки ўзгаришлар катта. Фестиваль баҳонасида Ўзбекистонимиз тафтидан баҳраманд бўлиш насиб этганидан хурсанман. Ўзимни қизиқтирган кўлаб маълумотларга эга бўлдим. Хориждаги миллатдошларим билан тажриба алмашиб, доимий алоқа қилишга келишиб олдик.

Туркиядаги Ўзбек талабалари жамиятида ҳам фаолият кўрсатаман. Бу ташкилот иш бошлаганига кўп вақт бўлмади. Биз Туркияга келган юрtdошларимизнинг олий таълим муассасаларига киришига кўмаклашамиз. Фестивалда ушбу тажрибани оммалаштиришни тақлиф қилдим.

Аброр ПОДУПОВ,
GFZ FOTSDAM илмий тадқиқот маркази ходими (Германия):

— Самарқанда вилоятининг Булунгур туманида туғилганман. Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини тамомлаб, ўқишни Европада давом эттирдим. Ун беш йилдан буюн Германияда яшаёман. Айни пайтда Ўзбекистондаги қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда "Сув ресурсларини олдидан ҳисоблаш" ҳамда "Иқлим ўзгаришини Ўрта Осиёдаги сув ресурсларига таъсири" мавзуларида илмий изланишлар олиб бораёман. "Ёш ватандошлар" фестивали ҳақида эшитиб, хурсанд бўлдим. Ахир, хорижда таълим олаётган ватандошларимиз катта илмий салоҳиятга эга. Уларнинг куч-иқтидори бир мақсада йўналтирилса, юртимиз тараққий этади.

Жавлон Вафоев ёзиб олди.

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАР МАМЛАКАТ РАВНАҚИ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Лойиҳа тўлиқ ишга туширилган, пиледалар ва ҳайдовчиларга қўлай шарт-шароитлар яратилди, шунингдек, келгусида замонавий талабларга асосан Тошкент кўчаси мисолида вилоятнинг барча кўчалари қайта таъмирланди.

Президентимиз Гулистон шаҳридаги сув спорти турларига ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабига қурилган ёпиқ сузиш ҳавзасини бориб кўрди.

Спорт масканидаги 25x11 ҳамда 6x12,5 ўлчамдаги сузиш ҳавзалари, баланликдан сувга сакраш спорт тури учун алоҳида зал қурилган бўлиб, ҳовузнинг ҳажми 12x10 метр ва ёш спортчилар сувга сакраш учун уларга мослаб 1,3 ва 5 метр баланликда трамплинлар ўрнатилган. Томошабинлар учун 250 ўриндик мавжуд. Кўнига 250 кишини қабул қилиш қувватига эга мажмуа барча жиҳозлар билан таъминланган, тиббиёт хоналари, тренажёр, ошхона ва бошқа хоналарда спортчилар мунтазам шугулланиши мумкин. Бундан ташқари, сувни тозалаш, иситиш ускуналари ҳам ўрнатилган. Аини пайтада бу ерда сузиш бўйича ташкил этилган 15 ўқув-машулот гуруҳига 176 ёш жалб қилинган.

Ёпиқ сузиш ҳавзасининг ҳаво айланishi тизимини яхшилаш, шугулланувчилар учун янада қўлай шарт-шароит яратиш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари Гулистон шаҳрида ташкил этилган Алишер Навоий номидаги Билимдонлар масканида бўлди.

Шаҳарнинг Ислоҳ Каримов кўчасидаги мавжуд хийбон қайта реконструкция қилиниб, ушбу янги маскан иш бошлади. Барча шароитлар яратилган мажмуада 1 та китоб дўкони, 1 та гул дўкони ҳамда

китобхоналар учун махсус айвонлар барпо этилган.

Президентимиз мазкур айвонда вилоят ижодкор зиёлилари, ижтимоий соҳа, ёшлар вакиллари билан учрашди. Унда мамлакатимиз ва халқаро аҳамиятга молик масалалар хусусида сўз юритилди.

— Олдин одамларнинг розимига эришиш учун ҳали жуда кўп ишлар қилишимиз керак, — деди Шавкат Мирзиёев. — Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Сирдарё вилоятида ҳам янги корхоналар қуриши зарур. Бу аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадини оширишда муҳим асос бўлади.

Учрашувда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг билим ва малакасини ошириш йўлида қабул қилинаётган муҳим ҳужжатлар учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Билимдонлар маскани вилоят ёшларини ватанпарварлик ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, жисмонан ва маънан баркамол улғайтиришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари Сирдарё туманидаги “Сирдарё мега локс” маслуhiяти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасида қадоклаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишди.

Президентимиз корхонани ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечириди. Таклиф этилаётган лойиҳалар, истиқболдаги режалар билан қизиқди.

2012 йили ташкил этилган қўшма корхонада полипропилен гранулясини қайта ишлаш, тўқимачлик, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат, фармацевтика, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш саноати, хом-

ашё ва материаллар экспорти билан шугулланувчи савдо компаниялари учун турли ўлчамдаги қадоклаш маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Дастлаб 75 ишчи билан фаолият бошлаган ва атиги бир турдаги қўлар ишлаб чиқаришга ўзбекистон маҳсулотларининг мавқени ошириш бўйича зарур кўрсатма ва тавсиялар берди.

“Сирдарё мега локс” қўшма корхонаси ҳудудида вилоятда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари кўргазмаси ва саноатни ривожлантириш бўйича лойиҳалар тақдими ўтказилди.

Вилоятнинг географик жойлашуви ҳудуднинг саноат, логистика имкониятларини кенгайтириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, чет элик ҳамкорлар билан алоқаларни мустаҳкамлашда катта қўлайлик яратди. Вилоятда хорижий компаниялар иштирокида 90 корхона фаолият юритилмоқда. Улар томонидан замонавий логистика марказлари ташкил этиш, Led лампочкалари, лифт ва эскалаторлар, қурилиш учун металл конструкциялар ишлаб чиқариш, чарм, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва қадоклаш, фармацевтика соҳаларида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

2018 — 2019 йилларда вилоятта жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар саварасида кимё, қишлоқ ҳўжалиги, озиқ-овқат, енгил саноат ва бошқа тармоқларда қатор истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди. Ушбу йўналишдаги 203 лойиҳа амалга оширилиши натижасида 14,6 минг иш ўрни яратилди.

Давлатимиз раҳбари “Идеал асп” корхонасининг босим остида ишлайдиган ускуна ва махсус техникаларнинг замонавий технология ускуналари ўрнатилди. Ушбу қувватлар корхона ёнида барпо этилаётган технопаркда жойлаштирилади.

Президентимиз янги маҳсулотларнинг харидорлигини, экспорт географияси билан қизиқди. Ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни кенг жорий этиш орқали ташки бозорда Ўзбекистон маҳсулотларининг мавқени ошириш бўйича зарур кўрсатма ва тавсиялар берди.

“Сирдарё мега локс” қўшма корхонаси ҳудудида вилоятда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари кўргазмаси ва саноатни ривожлантириш бўйича лойиҳалар тақдими ўтказилди.

Вилоятнинг географик жойлашуви ҳудуднинг саноат, логистика имкониятларини кенгайтириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, чет элик ҳамкорлар билан алоқаларни мустаҳкамлашда катта қўлайлик яратди. Вилоятда хорижий компаниялар иштирокида 90 корхона фаолият юритилмоқда. Улар томонидан замонавий логистика марказлари ташкил этиш, Led лампочкалари, лифт ва эскалаторлар, қурилиш учун металл конструкциялар ишлаб чиқариш, чарм, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва қадоклаш, фармацевтика соҳаларида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

2018 — 2019 йилларда вилоятта жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар саварасида кимё, қишлоқ ҳўжалиги, озиқ-овқат, енгил саноат ва бошқа тармоқларда қатор истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди. Ушбу йўналишдаги 203 лойиҳа амалга оширилиши натижасида 14,6 минг иш ўрни яратилди.

Давлатимиз раҳбари “Идеал асп” корхонасининг босим остида ишлайдиган ускуна ва махсус техникаларнинг замонавий технология ускуналари ўрнатилди. Ушбу қувватлар корхона ёнида барпо этилаётган технопаркда жойлаштирилади.

табiiй газ билан таъминлашда катта қўлайлик яратди.

Президентимиз мазкур сизимларни кўп қаватли уйлар, савдо марказлари қуриш лойиҳаларига қиритиш зарурлигини, бу катта иқтисодий тежамкорлик келтиришини таъкидлади.

Гулистон шаҳрида жойлашган “Modern lift systems” МЧЖда энг замонавий ва энергия тежамкор технология ускуналар билан жиҳозланган лифт ва эскалатор ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Ушбу лойиҳа, аввало, вилоятларда қурилаётган кўп қаватли уйларни лифт билан таъминлаш имконини беради. Йилига 500 донa лифт ва 300 донa эскалатор ишлаб чиқариш қувватига эга корхона маҳсулотларининг бир қисми ички бозор талабларини қондиради, 35 физик экспортга йўналтирилди.

“Янгиер” кичик саноат зонаси ҳудудида “Баҳромжон Нур савдо” хусусий корхонаси 2010 йили ташкил этилган. Асосан лок-буёқ ва қуруқ сувоқ материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонада янги маҳсулот турларини ўзлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилдан корхонада 30 турдаги кроссовкалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бугунги кунда корхонада 163 ишчи меҳнат қилмоқда.

Шу пайтгача кроссовкалар асосан четдан келтирилди. “Баҳромжон Нур савдо” хусусий корхонасининг маҳсулотлари импорт ўрнини қоплаш ва экспорт қилиш имконини беради.

— Мен иккита ишчи ўрни яратган тадбиркорни елкама қўтаришга тайёрман, деган эдим. Мана шундай корхоналарни ташкил этиб, 100-200 ишчи ўрни яратадиган юртошларимиз мамлакатимизга катта фойда келтиради, ички бозоримизни эгаллайди, ўшбу лойиҳани кенгайтириш,

маҳсулотга кетаётган материалларни тўлиқ ўзимизда ишлаб чиқаришга эришиш керак. Бунинг учун тадбиркорга кўмак бериш, зарур маблағ билан таъминлаш лозим, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз “Crocus Uz soprözite” корхонасида маҳаллий хомашё, яъни шиша пахта, кварц куми ва эфир майдан ишлаб чиқарилаётган локот ва қувурларнинг афзаллигига алоҳида эътибор қаратди. Ушбу маҳсулотлар бетонга қараганда анча чидамаи, камҳарж ва узок муддат фойдаланиш мумкин.

— Бунадай маҳсулотлар нафақат Сирдарё вилояти, балки бутун мамлакатимиз учун жуда фойдали, — деди давлатимиз раҳбари. — Сув исрофгарчилигини камайитириш, қишлоқ ҳўжалигини даромадини оширишда бунадай инновацион ёндашувларнинг аҳамияти катта. Ушбу маҳсулотларни фермер ва деҳқонларга кенг тарғиб этиш керак.

Боёвут туманида “Maker International Uzbekistan” корхонаси томонидан гулжаваҳар (бархат) гули етиштириш ҳисобига табiiй дори экстрактини олиш йўлга қўйилди. Бунинг учун 1000 гектар ер ажратиш режалаштирилган. Ушбу майдонда 30 минг тонна гул етиштириш, ундан 300 тонна экстракт олиш мумкин. Гул пояси чорва учун озуқа бўлади.

Лойиҳа ишга туширилиши натижасида йилига 10 миллион долларлик дори воситалари ишлаб чиқарилади. 200 киши доимий, 1000 дан зиёд киши мавсумий иш билан таъминланади. Лойиҳанинг афзаллиги, табiiй дори экстрактининг бозори бор. Хитойдан ташқари АҚШ, Испания, Мексика ва Европа давлатларига экспорт қилиш режалаштирилган. Бу юртимизга валюта тушумини кўпайитиришга хизмат қилади. Гулжаваҳарнинг бир гекта-

ридан 5 минг долларгача фойда олиш мумкин. Ушбу ўсимликдан олинган экстракт иммун тизимини мустаҳкамлайди, қон босимини пасайитирувчи хусусиятга эга. Бундан ташқари, вирусларга қарши қурашувчан бўлгани боис, жуда ҳам фойдали. Корхона ташаббускорлари ярим тайёр маҳсулот билан чекланиб қолмай, келгусида тайёр дори воситалари ишлаб чиқаришни мақсад қилган.

Президентимиз гулжаваҳар ўсимлиги эканлигини майдонларни 2 минг гектарга кенгайтириш, келгуси йилларда бошқа вилоятлар ҳисобига 5 минг гектарга етказиш ва экспорт ҳажмини кўпайитириш бўйича топшириқлар берди.

Тақдирот чоғида давлатимиз раҳбарига Сирдарё вилоятидаги “Pang Sheng” мажмуаси таркибидagi “AWP” қўшма корхонасида сув жиҳозлари, жездан дастаклар, фитинглар, катта ҳажмдаги керамик плиталар, эшик қўлфлари ишлаб чиқариш каби қатор янги лойиҳалар намойиш этилди.

Шавкат Мирзиёев кўпроқ янги иш ўринлари ташкил этиш, маҳаллий хом ашё асосида маҳсулот ишлаб чиқаришга кўпроқ хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича топшириқлар берди.

Шу кунги Сайхунбод туманидаги 8-болалар муסיқа ва санъат мактабига вилоят фаоллари иштирокида йилги иш бўлиб ўтди. Видео-селектор шаклида ўтган йилгида вилоят иқтисодий ривожлантириш, таълим, тиббиёт соҳаларидаги ўзгаришлар, аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Сирдарё вилоятига ташрифи якунига етди.

ЎЗА

DUNYO BIZ HAQIMIZDA

“THE NEW YORK TIMES” ТАҲЛИЛИЙ ЁНДАШДИ

Дунёдаги энг машҳур нашрлардан бири “The New York Times” газетаси Ўзбекистонни бағрикенг давлат деб атаб, унда ўнлаб миллат вакиллари аҳил-иноқ яшаётганига эътибор қаратди.

Юртимиздаги изчил ислохотлар тафсилотига бағишланган мақола газета муҳбири Эндрю Хиггинс томонидан тайёрланган. Унда қайд этилишича, бугунги кунда Бухорода иккита синагога, Яхудиелар маданият уюшмаси, шунингдек, иврит тили ўқитиладиган бошланғич мактаб фаолият кўрсатмоқда. Америкалик журналист жаҳондаги энг қадимги шаҳарлардан

бирида яхудиелар ҳали ҳам тинчлик-тотувликда умргузаронлик қилаётгани ҳақида ёзди. Э.Хиггинс яқинда Ўзбекистонда исроиллик сайёҳлар учун мамлакатга визасиз келиш тартиби жорий қилингани тўғрисида ҳам эслатиб ўтди. Бу эса, Исроил фуқароларига бир вақтлар аждоллари яшаган жойларга ҳеч қийинчиликсиз келиб, зиёрат қилиш имконини яратди.

“HINDUSTAN TIMES” ЭЪТИРОФИДАМИЗ

Хиндустоннинг етакчи нашрларидан бири “Hindustan Times” газетасида журналист Гетика Жейннинг Ўзбекистон сайёҳлик салоҳиятига бағишланган мақоласи чоп этилди.


Муаллиф Ўзбекистон дунёнинг қадимий маданият марказларидан бири бўлиб, бу ерда кўпаб меъморий обидалар ва тарихий ёдгорликлар мавжудлиги ҳақида ёзди. Самарқанд, Бухоро ва Хива кўҳна Буюк ипак йўлида жойлашган машҳур масканлар эканини таъкидлайди. Шунингдек, мақолада Тошкентдаги диққатга сазовор жойлар, музейлар, санъат галереялари, миллий ошхоналар ва бозорларга тавсиф берилган. Ўз навбатида, пойтахтимиздаги ислом маданий мероси намуналари, хусусан, Ҳазрати Имом мажмуи, Қўқалдош

мадрасаси ҳақида алоҳида сўз юритилди. Шу аснода муаллиф Қуръони каримнинг тегрига ёзилган асл нусхаларидан бири Ҳазрати Имом мажмуида сақланиши ҳақида хабар беради. Мақолада Ўзбекистон шаҳарларининг озодлиги, халқимизнинг бағрикенг ва меҳмондўстлиги, мамлакатда тинчлик ва барқарорлик мустаҳкам қарор топгани баён этилди. Шунингдек, муаллиф ҳинд сайёҳларига Ўзбекистондаги меҳмонхоналар, сайёҳлик компаниялари, ресторанлар ва диққатга сазовор жойлар ҳақида ўз тавсияларини беради.

“Жаҳон” АА материаллари асосида тайёрланди.

BELLASHUV ШИРИН “БУРГУТЛАР” И БИРИНЧИ

Гулистон шаҳрида “Ёш чегарачилар” кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди



Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва бир қатор ҳамкор ташкилотлар томонидан анъанавий тарзда амалга оширилаётган лойиҳа ёшлар қалбида Ватанга садоқат ҳиссини кучайтиришга хизмат қилмоқда. Беллашув ўн тўрт шарт асосида ташкил этилди. Унда туман ва шаҳарлардан сараланган беш жамоа ўз имкониятларини синаб кўрди.



Танлов кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Шунингдек, танловнинг мақсади ёшларнинг Ватанга садоқат ҳиссини кучайтиришга хизмат қилмоқда. Беллашув ўн тўрт шарт асосида ташкил этилди. Унда туман ва шаҳарлардан сараланган беш жамоа ўз имкониятларини синаб кўрди.

Танлов қизгин жараёнларга бой ўтди. Ўқувчи-ёшлар ўқотар қуролни қисмларга ажратиш ва йиғиш, 100 ҳамда 1000 метр масофага югуриш бўйича куч ва маҳоратини намойиш этди. Бундан ташқари улардан ижтимоий, сиёсий соҳа-

БИРДАМ БЎЛГАН ИМИЗИЗ бошқача

(Бошланиши 1-саҳифада)

Тўрт кун мобайнида иштирокчилар малакаси мутахассислардан сабоқ олиб, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифаларнинг мазмун-моҳияти, хорижий давлатлардаги ёшлар ташкилотлари таъриби хусусида қимматли машғулотлар олди. Қолаверса, уларга ёшлар билан ишлаш тактикаси ва механизмлари, ижтимоий лойиҳалар яратиш технологияси тушунтирилиб, омвий ахборот воситалари билан ҳамкорлик масаласи атрофида кўриб чиқилди. Амалий машғулотлар даво-

мида эса, етакчилар 2018 йилда Қуролли Кучлар тизимида ёшларга оид давлат сиёсати борасида амалга оширилган ишлар юзасидан чора-тадбирлар дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш, ўзаро муҳокама қилди. Шу билан бирга, ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг мутасадди раҳбарлари билан очик мулоқот ўтказилди, бошланғич ташкилотлар фаолиятини ташкил этиш ва самарадорликка эришиш йўлидаги муаммолар ўртага ташланди, уларни бартараф этиш юзасидан ёшлар ўз тақлиф-тавсияларини берди.

Икки юзга яқин тақлиф тўпланиб (ҳарбий қисмларда “Бизнес клуб” ларни ташкил этиш фаолиятини йўлга қўйиш; чегара постларида кутубхоналар ташкил қилиб, ёшлар иттифоқи кўмагида уларни бадиий адабиётлар, газета ва журналлар билан таъминлаш; олис ҳудудларда хизмат қилаётган ҳарбийларнинг оила аъзоларини муносиб иш жойлари билан таъминлаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш; Қуролли Кучлар тизимидаги бошланғич ташкилот етакчи ва аъзолари учун маҳорат дарслари, ўқувларни мунтазам ўтказиб туриш шулар жум-

ласидан), тегишли тартибда қўриб чиқилган ва улар асосида янги лойиҳалар ишлаб чиқилган бўлди. Ўқув-семинари доирасида йиғитлар футбол ва баскетбол майдонларида куч синашди. Жамоавий тарзда интеллектуал “ринг” да ҳам олишиб, билимини чархлади.

ИСФАНДИЁР КОРХОНА ОЧДИ

Насиба АБАУЛЛАЕВА

Муҳаббат опа катта ишга қўл урганида Исфандиёр ҳали мурғаккина бола эди. Онасининг кеча-кундуз куйиб-пишиб, тинмай ҳаракат қилаётганига ақли етар, тезроқ улғайиб, меҳрибони ёнига тиргак бўлишни орзу қиларди.

имтиёзлар бисёр, — дейди суҳбатдошимиз. — Биздан фақат гайрат ва салоҳият талаб қилинади. Сифатли матоларга эҳтиёжimiz катта. Аммо уларни олиб келишда қийинчиликка дуч келямиз. Ушбу муаммага ечим топиш устида изланмоқдам. Шунингдек, корхонамиз ишчиларини хорижга малака ошириш учун жўнатишни ният қилганман. Йигирма беш баҳорни қарши олган Исфандиёр



Аста-секин Исфандиёр Эркиннов тадбиркорлик соҳаси билан танишиб боради. Шу орада Тошкент тадбиркорлик ва тижорат коллежини битарди. Бизнес режа тузишга ўқув пайдо бўлди. Кўп ўтмай, "Нуртекс" масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилди. Тикув цехида 32 та иш ўрни яратди. Хитойдан матога гул босувчи ва бошқа ускуналар олиб келиб, 30 хилдан ортик кийим-кечаклар ишлаб чиқара бошлади. Ўтган йилни корхона 500 миллион сўмлик фойда билан якунлади. Маҳсулотлар

Россияга экспорт қилина бошлагани ҳам эътиборга молик жиҳатлар. Ҳозир ёш тадбиркорнинг ишлари анча юришган. Буюртмалар кўп. Уларни рад этиб бўлмади. Йўқса, миқоздан айрилиб қолиш ҳеч гап эмас. Шунинг учун Исфандиёр Ҳасанбой қишлоғидаги "Мурувват текс" корхонаси билан шерикчилик фаолиятини йўлга қўйган. Бундай ҳамкорлик катта ҳажмдаги буюртмаларни бажаришда қўл келмоқда. Қаҳрамонимиз 2017 йилда "Ташаббус" курик-танловда



иштирок этиб, "Энг ёш тадбиркор" номинациясига сазовор бўлган. Айни вақтда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида таҳсил олмақда. — Бугун тадбиркор ёшларга берилаётган имконият ва

Эркиновни ҳақи равишда ёшларга намуна бўлишга арзийдиган йигит, деб баралла айта оламиз. Тиниб-тинчимас тенгдошимизнинг келгуси фаолиятига омад ёр бўлишини тилаймиз.

BIZNESGA QADAM

Малик СИНОДОРОВ

Мамлакатнинг бойлиги эларовонлиги, одамларнинг завқ ила тўкин ҳаёт кечирishiдадир. Бу йўлда давлатимиз салмоқли қадимлар ташлаб бормоқда. Инчунин, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка эътибор катта. Шу боис иқтисодий тармоқларида хусусий секторнинг улуши анчайин ортган.

ОМАД УНГА ЁР

Бунда ўқиб, изланишдан тўхтамайди, шижоатли ёшларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Навоийлик Азиз Сувонов ана шундай ишбилармон йигит-қизлардан бири. Тенгдошимиз серқирра тадбиркор. Иссиқхонасида турли сазавотлар баравж етилмоқда. Меҳмонхона ва уй-жой қурилиши хизматларини ҳам йўлга қўйган. Ҳозир қўл остида 200 нафардан ортик ишчи-ҳодим меҳнат қияпти.

Йигирма гектар бўз ерни ўзлаштириб, узумзорга айлантирган бу йигит яқинда яна юз гектар майдонда боғ яратишни ният қилган. Бундан ташқари паррандачилик йўналишида ҳам яхшигина тажриба тўлади. Мини фермасида жўжалар 90 кунлик давригача боқилиб, шундан аҳолига тухум ва сифатли гушт маҳсулотларини етказиб берилмоқда. — Мен Президентимизнинг ҳар бир марузасини диққат би-

лан тинглаб, мағзини чақаман, — дейди Азизбек. — Юртимизда халқ манфаатлари устувор экани — фахримиз. Тадбиркорликка ҳам кенг йўл очилди. Бизга қўлай имконият ва шароитлар яратиб берилди. Ҳалол меҳнат орқали бунга муносиб жавоб қайтара олсак, бас. Келгусида фаолиятини кенгайтириб, қўшимча иш ўринларини яратмоқчиман. Маҳсулотларини хорижга экспорт қилишни ҳам мўлжаллаб қўйдим.



TALQIN

НАВОИЙДА Наврўз навоси

Султонмурод ОЛИМ, адабиётшунос

Наврўз ва Навоий... Бир-бирига нақадар боғлиқ тушунчалар. Бобомиз ўз ижодида Наврўз мавзусига кўп бора мурожаат қилиб, уни ажойиб бадиий восита сифатида қўллаган.

"Муҳокамат ул-луғатайн" асариде куйидаги байт келтирилди:

Анингким, ол энгинда менг яратти, Бўйи бирла сочинин тенг яратти".

Адабиётшунос олим, профессор Натан Маллаев "Ўзбек адабиёти тарихи" дарслиғида XIV асрда яшаб ўтган ўзбек шоири Хоразмийнинг "Муҳаббатнома" асари билан асосан, "Муҳокамат ул-луғатайн" даги мазкур байтга нисбатан шундай фикр билдиради: "Бу мисраларни Навоий "Муҳаббатнома" дан олганми ёки уларни ашулаларда эшитганими, бунини билмаймиз". Хўш! Навоий мазкур байтни қаердан олган экан?

Билмишким, Навоий адабиётдаги ажойиб топилмаларини имкон қадар кўздан қочирмаган. Ахир, Шарқда шоирлар биргина гузал ифода учун ҳам олқишланган, катта шўхрат қозонган-да. Кейин уша бадиий топилдик миллат шеърининг муҳига айланиб, бошқа ижодкорлар ҳам муайян янгилик киритган ҳолда ундан фойдаланган.

Навоий ғазалларидан биридаги мана бу байтда тун ва кун тенглиги бўйи билан сочининг баробарлигига қиёсаланади: **Васл аро кураум, тенг эмиш бўйи сочи,**

Тун-кун тенг экан, зоҳир ўлар бўли чу Наврўз.

Кўриниб турганидек, шоир Хоразмий байтидаги гузал ташбеҳдан ижодий фойдаланган. Демак, Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" даги байтни "Муҳаббатнома" дан олган, дейишга тўла асос бор. Ҳарқалай, бунга бошқа далиллар ҳам мавжуд.

Навоий "Фарҳод ва Ширин"нинг хоқон ўғли — Фарҳод учун йилнинг тўрт фаслига мослаб кўрдирган қасрлар таърифига бағишланган 17-боби аввалида шундай мисралар учрайди:

Ҳамал таҳвили эткач меҳр гулчехр, Очар юз гул замона кўргач ул меҳр. Қилур машотайди сунь ошкоро, Аруси даҳрнинг хуснига оро. Қилур тун бирла зулфур кун била энг, Этар лекин бўйи бирла сочин тенг.

Маъноси: гул юзми Кўёш ҳамал буржига кирганда замона у Кўёшни кўргач, юз гул очади, яратиб пардозчиси эса, замона келини хуснига оро беради, тундан соч, кундан чеҳра ясайди, лекин сочи билан бўйини тенг қилади, яъни баҳор бошланиб, гуллар очилади, замона гузлашалади, кеча-кундуз баробар бўлади" (Порсо Шамсиев насрий баёни).

Кўриниб турганидек, Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" да келтирилган "менг" сўзи иштирокидаги байтни "Муҳаббатнома" дан олибгина қолмай, балки "Фарҳод ва Ширин" дostonини ёзишда ҳам ундан бевосита таъсирланган экан. Лекин энди бу ҳолатда мазмун ўзига муайянлик ва тасвир бўлак гузаллик касб этмоқда. Навоий айнан Наврўзни — кеча билан кундузнинг баб-баробар келадиган пайтини таърифлайди. Унда айём "аруси даҳр", яъни "дунё келинчаги" деб таърифланади. Бонис баҳор билан келинчақ ўртасида ажиб бир уйғунлик бор.

Наврўз — нафақат йил, баҳорнинг ҳам бошланиши. Бизда баҳор фаслининг кириб келиши 1 мартдан эмас, 21 мартдан ҳисобланган. Хоразмийда дунёда кеча ва кундузнинг умумий тенглиги айтилган эди. Лекин бу Худонинг Ерда ҳаёт пайдо қилиши ҳақидаги байтлар сирасида келгани боис, Наврўзга ҳам рамзий ишора йўқ эмас. Чунки уша байтдан кейин қуйидаги мисраларни ўқиймиз:

Қаро тупроқдин сунбул тўратти, Тиканлар орасинда гул тўратти.

Қора тупроқдан сунбул униб чиқиши, тиканлар орасида гул пайдо бўлиши ҳам баҳордан дарак. Энди Навоийнинг уша байтдан кейинги қўшимчасига қўлоқ тўтайлик:

Рутубат еткуруб ҳар сори ёгин, Тар айлаб қатрадин гуллар димогин.

Демак, ёмғир ёғиши билан гуллар димоғи хўл бўлади. Байтдаги "қатра" тисмолнинг ҳам "Муҳаббатнома" га ворисчилиги бор. Чунки Хоразмийнинг уша байтдан олдинги қўшимчасида "қатра" тилга олинган эди: **Ҳаво узра берур шунқорга қуни,**

Тўлун ойдек қилур бир қатра су(в)ни.

Навоий "Ҳамса" си нанки туркий ҳамда форсий, балки умуман, Шарқ шеърини майдондаги виқорли чўққидир. Бундай аждоғлар жаҳон сўз санъати саҳнасида ҳам жуда оз. "Ҳамса" да эгизак адабиёт — форсий ва туркий сўз санъатининг жамики хислатлари ажиб тарзда уйғунлаштирилган. Шу тарихи шоир даҳосининг кучу қудрати билан ўзбек адабиёти янги бир юксак поғонага кўтарилди, десак адашмаймиз. Гарчи Навоий ижодининг форсий сўз санъати билан алоқадорлиги у ёки бу жиҳатдан урганилган бўлса-да, унинг бевосита туркий адабиёт билан боғлаб турган илдизларини тадқиқ этиш очилмаган кўрик янглиғ бир майдон бўлиб турибди.

Тун билан кун тенглиги ҳақидаги биргина байтнинг Хоразмий қўшимчасига вобасталиги ана шундай дадил ҳулосаларни илгари суриш учун имкон беради.

Ҳазрат Навоий ижодининг зарраларида кўёшлар акс этгани учун унинг майда-майда чизилари замирида ҳам катта-катта масалалар ётибди. Шоир "Лисон ут-тайр" да Тангрининг баҳорда — ҳамал бошланиши кун кечаси билан кундузни баробар қилганини ҳам эслаб ўтади:

Чун ҳамалдин берди ойини баҳор,

Бўли тенг мезона лайлу наҳор.

"Лайл"нинг "кечаси" экани, "наҳор" эса, "кундуз" лигини инобатга олсак, байтда бевосита Наврўз таърифи кетаётгани аниқлашади.

Юқоридегилардан ҳулосамиз шуки, Навоий баҳорий байрам — Наврўздан олган илҳомларини қозоғга тушириш борасида ҳали-ҳануз ўзбек шоирларининг ҳеч бирига насиб этмаган даражага етган.

Аждоғларимиз, жумладан, ҳазрат Навоий Наврўзда табиатнинг ўзгаришидан, оламнинг тамом тағйир топишидан, майсаларнинг кўкариб, даракларнинг гуллашидан, кун билан туннинг баробар келишидан сиз билан биздан қўра кўпроқ таъсирланган, ҳайратта тушган, шўқроналар қилган. Улар табиатта биздан қўра яқинроқ бўлиб ашаган бўлса, ажаб эмас.

DAVRA SUHBATI

ЮРАККА КЎМИЛАР АСЛ ШОИРЛАР

Нодирабегим ЖАМОЛОВА

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "Шавкат Раҳмон ва ёшлар" деб номланган адабий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда профессор-ўқитувчилар, ёш ижодкорлар, талабалар ҳамда шоирнинг оила аъзолари иштирок этди.

Шавкат Раҳмон шеърини — инсон юрагини ларзага солиб, ақлини шоширади, ўйлашга мажбур этади. Эрк-сеवार шоир машаққатлар оша озодликка талпинган, хурлик орузси эътиқолига айланган эди.

— Бугун китоб ва китобхонлик ҳақида кўп гапирляпти, — дейди тадбирда сўзга чиққан филология фанлари доктори, шоира Нодира Афоқова. — Аммо бу борадаги саяё-ҳаракатлар баъзан қандайдир

танловлар, ҳисоботларга боғлиқ қолаётгани ҳам бор гап. Президентимизнинг китобхонликка давлатда бошқача мазмун бор: мутолаа инсоннинг ичида мудраб ётган қувватни уйғотиши, яширин ётган ботиний кучларни ҳаракатга келтириши керак. Мутолаа ўз-ўзидан инсон ва у орқали жамият ўзгариши керак. Шавкат Раҳмон шеърини миллатнинг ички энергиясини ҳаракатга келтирадиган ана шундай жозиб куч бор. Унда истеъодо, улкан умуминсон-

ний, ижтимоий дард ва илоҳий сўз туйғуси ниҳоятда инжилик ила уйғунлашган. Шавкат Раҳмон — Шарқнинг, инсониятнинг жасоратли шоиридир.

Шавкат Раҳмон испан шоири Лорканинг гузал шеърларини рус ва испан тилларидан ўзбек тилига ўғитиб, адабиётга ошно кишилар маънавий оламини бойитган моҳир таржимон ҳам эди.

Таъкидланганидек, ватаннинг асл шоирлари хотирла-

надиган ва уларнинг ўлмас ижоди тараннум этиладиган бундай адабий кечалар ёш ижодкорларга мактаб бўлиши билан бир қаторда, улар қалбда шеърга, ижодга бўлган ҳурмат ва муҳаббатни илдиз оттиради.

Тадбир давомида ижро этилган ўзига хос композицияга эга, шоир ижоди асосида саҳналаштирилган спектакль йиғилганларда ўзгача таассурот қолдири.



OGONLIK — DAVR TALABI

СУҲБАТДАН СЎНГ САЁҲАТГА

Бекзода ҚОДИРОВ



Унда халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш цехида меҳнат қилаётган ёшлар, шунингдек, Ёшлар иттифокнинг Бекзод шаҳар кенгаши ва бир қатор таълим муассасалари вакиллари қатнашди. Мулоқот чоғида мутахассислар "оммавий маданият" ниқоби остида ҳаётимизга кириб келаётган салбий ўнсурлар, уларнинг оқибатлари ҳусусида ўз мулоҳазалари билан



ўртоқлашди. Бундай иллатлар домига тушмаслик учун ёшлар ҳар вақт огоҳ бўлмоғи зарурлиги таъкидланди. Иштирокчилар ҳам мавзу юзасидан ўзаро фикр алмашиб, Ёшлар иттифокнинг маҳаллий кенгаши раиси Раҳмон Раҳмоновдан саволларига атрофлича жавоб олди. Тадбир якунида халқ истеъмоли моллари цехига таништирув саёҳати уюштирилди.

JARAYON

Соҳида САПАЕВА

4 ОЙЛА сақлаб қолинди



Тадбирда туман хотин-қизлар қўмитаси, ФХДБ бўлими, Ёшлар иттифокнинг маҳаллий кенгаши вакиллари, шунингдек, маҳалла маслаҳатчилари, имом хатиб, шифокор ва психологлар қатнашди. Эътиборлиси, таклиф этилганлар орасида ажралиш ҳамда оила қуриш бўсағасида турган йигит-қизлар ҳам бор.

Зомин туманида "Мустаҳкам оила — жамият таянчи" мавзусида ёшлар билан мутахассисларнинг давра суҳбати ташкил қилинди.

Учрашув аввалида намунали тўйлар ўтказиш истагини билдирган ёшларга эсдалик совғалар топширилди. Шу билан бирга, ажралишга қарор қилган оила соҳиблари билан якка-ма-якка суҳбат ўтказилиб, тўрт жуфтлик яраштирилди. Бундай амалий ишлар давом этмоқда.

YOSHLIK ILHOMI

НОМИ ЙУҚ ҚИШЛОҚ

Сарвиноз МАМАНОВА

Бирок боши оғриб тургани учун ҳафсала қилмади. Аччиғим келиб, нариги уйга чиқиб кетдим. Бироз ўтиб, мени юпатиш учун олдимга бобом ва дадам кирди. Кечки пайт бирдан бобомнинг аҳволи оғирлашиб, бир лаҳзада омонатини тоширди. Уйимизнинг чироғи ўчиб, ҳамма ёқни зулмат қоплагандек эди, гўё. Ойим баланд овозда йиғлар, бувим тинимсиз пиқилларди. Нима бўлаётганини ақлимга сиғира олмай, бувимнинг енгидан тортидим. У синиқ овозда: — Бобонг кетди, энди қайтмайди, — деди базур. — Қаерга кетди, мен ҳам борай, — дедим ўжарлик қилиб.

Бобом янада қариди, ранги докадек оқариб, қадди букчайди. Қиш бўйи тўшакка михланиб ётди. Ёнига кирсам лом-мим демасдан, нуқул шифтга термиларди. Менга эртак айтмай куйганидан ўзимча хафа эдим. Бувимнинг айтишича, бобом баҳорни соғинган, баҳор келиши билан соғайиб кетар эмиш. Ушанда бу гап менга тасалли берганди. Ниҳоят, кўклагимга етди. Дераза ёнидаги бир туп бодом гуллаб, ҳовлига баҳор нафасини олиб келди. Уша кунни бобом ўрнидан омонатгина қўзғалди. Ёнига чопиб бориб, туршига кўмаклашдим. Ҳассасига таянганча бутун боғни кўздан кечирар, мен эса, ортдан эргашиб борардим. Шунда бобом:

— Бу дарахтлар сенга омонат. Уларга яхшилаб қара, меҳр билан парварिश қил. Гапларимни укаларингга ҳам ўқтир. Энди катта қиз бўлиб қолдинг. Ўзимнинг дастёр қизим, — деб бошимни силаб қўйди. Энди бобом бутунлай тузалганига ишониб, иччимдан севиладим. — Хўп бўлади, бобожон, — дедим. — Ушанда менга кўп пул берасизми?! Яна китоблар олиб, кутубхонамни кенгайтирадими. — Айтганларимни бажарсанг, яхши ўқисанг, албатта, бераман, — деди бобом мулоим оҳангга. Кейин бобомнинг пинжига кириб, бўрилар ҳақидаги ҳикоясини айтиб беришни илтимос қилдим.

— Номин йуқ қишлоққа кетди, болам-м-м, — дея бувим бирдан уввос солиб йиғлаб юборди. Худди шу гап билан ичидоғи бор ғам-алами отилиб чиққандек бўлди, назаримда. Эр депсиниб, йиғлай боволадим. Наҳотки, энди бобомни кўра олмаيمان?! Илк бора ўлимнинг совуқ хабаридан гарангсиб қолдим. Ҳовлимизда бунча одам кўп бўлмасди... Томоғим хилпа бўлди, тобутни олиб чиқишга таянганча бор овозим билан йиғлаб, жон ҳолатда дадамнинг оёғига ёпишдим. Бошимдан рўмолим сирғалиб, ерга тушди. Кимдир уйғимдан тортиб, куч билан ўйга олиб кирди. Кимлигини билмадим-у, бироқ жуда кўрс, хўппасемиз хотин уришиб берди. Қаттиқ кўрққаним учунми, бошқа йиғлай олмадим.

Эртаси кун шаҳарлик аммам дадамнинг қўлига бир чамадон пул тутқазди. Энди билсам, бобожоним тириклик чоғида ўлимимдан сўнг маъракаларимга ишлатасизлар, деб пул йиғиб, аммамга берар экан.

— Барибир шифокорсиз иш битмайди, Салмон бей. Касалхонага етишнинг керак. — Бу руҳий хасталик! Оддий эмас, юқадиган дард! Жиннихонага бориб ётишим мақтумоқда. Шарофиддин бей бирдан ён томонга тисарилиб: — Ундай бўлса асло кўчага чиқманг эди, — деди. — Айтишга осон. Қанақасига чиқмай?! Бу хасталикка ўзингиз чалинсангиз, кўрардингиз уйда ётиш нимадигини. Касалигини ўғлимдан ўқтирдим. Аммо унинг аҳволи менникидан бешбаттар! Уғлим мишени битира олмади. Тўққизинчи синфни икки йил деганда тугатди, зўрга ўқинишга ўтди. Унингча ҳам икки йил ўқиди. Ҳаммасига шу лавозим тўп айбдор. "Эй бола, келажакнингни ўйласанг-чи!" — десам ҳам парво қилмади. Мен унинг келажакдан хавотирладим. Футбол бўлган кун ярим кечаси худди жангдан чиққандек уйга қайтди. Ниҳоят, чап оёғи синди-ю, тўп ўйномай қолди. Шунга ҳам хурсанд бўлдим дег. Чўнки оёғи синиб қолганида, яна бир ўйнамо ули ўлдириб қўйишлари таяин эди. Ҳамма бало-қазо синган оёғига урган бўлсин, ҳар ҳолда шу ўғлимиз қўлимизнинг оқу қораси... Бизга унинг футбол балоидан кутулганинингни ўзи етарли. Вой-вой-вой, сўякларим зирқираб кетяпти. Шундай деб у яна гапила давом этди: — Бу футбол жинниси. Бола ўзи ўйнамас ҳам томошага бормасдан туролмайди. Уйин Анқарада бўладими,

МЕНИНГ ФИКРИМ

ХУРМАТНИНГ БАҲОСИ

Анора БОЗОРОВА, талаба

Тасаввур қилинг, кимдир сизга пул ёки бирор қиммат-баҳо буюмини совға қилиб: "Мана ол, аммо бугундан бошлаб сен менинг ҳукмидансан — гапимни икки қилмайсан, нима десам, қуллуқ қилиб тураверсан, мени ёмонлаганларнинг оёғига урасан", — деса кўнаримизингиз? Бунга лаббай, дейдиганлар ҳам, унамайяганлар ҳам бор. Ҳозир тадбиркорлик қилиб, яхши даромад топаётганлар кўп. Шундайлардан бири маҳалладошларига "муруват" қилиб: кўчаларни ободонлаштириди, муҳтожларга ёрдам бериб, беморларни касалхонага жойлаштирди. Бу саҳийлигидан бахраманда бўлганлар тадбиркорни узоқдан кўрсатиб кўчи-қилиб салом бера бошладилар. Шу даражада етдики, ўша хотамтойнинг фарзандлари озорқ "шўхлик" қилса, одоб доирасидан чиқса, отасининг

САВОЛГА 1 ЖАВОБ

— Турмуш ўртоғим икки йил олдин бедарак йўқолиб. Фуқаролик ҳолати алолатномаларини қайда этиш органига ариза бериб, никоҳни бекор қилишим мумкинми?

Ғайрат ОТАНИЕЗОВ
Хонқа тумани

Саволга ҳуқуқшунос Асрор ЭРГАШЕВ жавоб беради: — Ўзбекистон Республикаси Оила қоллексининг 43-моддасига асосан, эр ёки хотин бедарак йўқолиб, деб топилган бўлса, фуқаролик ҳолати алолатномаларини қайда этиш органи уларни никоҳдан ажратишга ҳақли. Бу ҳолатга эр-хотиндан бири суз томонидан руҳияти бузилгани сабабли муоамлага лаеактасиз деб топилганда ёки содир қилган жинояти учун уй яилдан ҳам бўлмаган муаллағга озололикдан маҳрум қилинган тақдирда ҳам йул қўйилади. Боран-ю, икки томон ўртасида ўртадаги фарзандлар, эр-хотиннинг биргалликда ортирган умумий мол-мулкнинг бўлиш ёки ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаеактасиз эр (хотин) ни моддия тавминлашга доир низо келиб чиқса, улар никоҳдан суз тартибда ажратилади.

(Материал Ёш ҳуқуқшунослар кенгаши билан ҳамкорликда тайёрланди).

СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

“ТИЛЛА БОЛА” ПАРНИНГ МИСИ ЧИҚМАСИ

Санжар ЭШМУРОДОВ

Мияним сумкасини диванга отиб: "Ахир, тўғри жавоб берган-дими-ку, ноҳақлик бўлади, фирромлик бу! Эртдан мактабга бормайман", — деб туриб олди. Уни овутишга шовшамдими, тинчланишини кутамди. Бироздан сўнг ҳаммасини ўзи сўзлаб берди.

— Ҳуқуқчиларимиз фан олимпиадаси учун синфдан уш нафар болани танлаб олди. Тарихдан мен, математикадан Феруза, она тилидан эса, анави "тилла бола" — Шокир борадиган бўлди. Бир пайт Шокир мен тарихдан қатнашаман, деб шарт қўйса бўладими. Директорнинг арзандаси эмасми, ҳуқуқчилар дарров ўрнимизни алмаштириш пайига тушди. Унамидим. Кейин иккимиздан тест олишди. Тўғри жавоблар менда кўпроқ бўлишига қарамай, синф раҳбаримиз Шокирни қолиб деб топди...

Афсуски, юқоридаги каби ҳолатлар янгилик эмас. Ўзининг ҳаётимда ҳам бўлган. Масалан, бир курсдошим машур ёзувчининг жияни эди. Дарсада ўзини дала ҳовлисида ўтиргандек тазарди. Нимадир еқмаса, турли баҳоналар билан кўчага ошиқарди. Шунга қарамай, баъзи устозлар уни қудка кўтариб, мақтарди. Дарсларга кам келса ҳам, баҳо олишда сира қийналмади.

Баъзи танлов ва мусобақаларнинг адолатсиз ўтишини кўриб ҳам асабинг таранглашди. Болалигимда "Нафосат" ёш қаламкашлар кўрик-танловининг туман босқичида қатнашиб, қолиб бўлгандим. Маълум фурсат ўтгач, вилоят босқичига ўрнимга бошқа номзодни юбормоқчи бўлишди. Яхшиямки ўз вақтида билиб қолибман...

Тавлим муассасаларидаги айирмачилик ва ноҳақликлар ўтли иқтидор соҳибларнинг шаштини сундиради. Бундай вазиятда ҳаракатчан болаларнинг келажакка ишончи йўқолиб, жамиятга ўрнини топишда қийналиши мумкин. Кимнингдир орқасидан аҳо баҳо олганлар ҳам ҳаётда қоқишми турган гап. Демак, бундай ҳолатларга йул қўймаслигимиз керак. Зотан, "тилла бола" ларнинг миси чиқмасин.

Автобус тўла. Йўловчилар хаёлидан бу киши янглишиб чиққан, аслида унинг жойи тез ёраам машинаси, деган фикр ўтарди. Боши боғланган, чап қўли бинт билан ўралган, бир кўзи кўкариб, шишган, иккинчиси эса, қизарган одам ҳассасига таяниб, тиқилинч орасидан автобуснинг ўртасига ўтишга ҳаракат қиларди. Оғриқдан ҳар замонда оҳ-воҳлаб қўярди. Автобус кучлироқ сикинса, танаси сочилиб кетадигандай эди, гўё.

Йўловчилардан бири унга ачиниб, жой бўшатди. У инқиллаганича ўриндиққа қўйиб, жой берган одамга қараб: — Аллоҳ сендан рози бўлсин, — деди. Ёнидаги киши уни таниб: — Салом, Салмон бей, — деб кўришди. У эса, уҳ тортиб, нафасини бироз ростлаб: — Салом, Шарофиддин бей, — деб жавоб қайтарди. — Ҳа, тинчликми, нима бўлди? — Ҳеч сўраманг, уч ойдирику шу ахволдаман. — Аллоҳ шифо берсин, Салмон бей! Нега тобингиз йуқ? Нима бўлди ўзи? — Э-э-э, нимасини айтасиз, бу ҳам аллоҳнинг бир сини-да. Ўзим ҳам қийналиб кетдим, ахволим яхши эмас. — Шифокорлар нима депти?! Нима деб тахшиш қўйишди? — Эҳ, шифокор даволайдиган хасталик бўлса кошқийди, оғам. Ҳатто душманимга ҳам раво кўрмайман бундай дардин. Аъзойи баданим худди сочилиб кетадигандек. Оёғимни қимирлата олмайман.

Измирдами, фарқи йуқ, унга бир қалам. Майли, борсин, лекин ҳар сафар ўйиндан қайтган, ётоққа михланиди. Овози бўғилди. "Ўғлим, овозингга нима қилди?" — деб сўрасам, "Кўп бақирвордим, дада", — дейди. "Бақирма, нимага бақирсанг?" — дейман. У бўлса: "Сизга гапириш осон, ўзингиз бақирмай кўринг-чи!" — деб аччиқланади.

Бир кунги футболдан мияси отилиб кетай деб келса, кейинги сафар бурни қашка, кўзи кўкарган қайтади. "Ўғлим, яна нима бўлди?" — деб сўрасам, "Ўйин пайти жанжал бўлди", — дейди. "Тўп сурсанг бошқа гап эди, одам томоша қилиб ҳам жанжаллашадими, ўғлим?" — десам, "Албатта, жанжалсиз бўладими, дада", — дейди. "Сен жанжалга аралашма!" — деб ўқтирдиман. У эса яна: "Сизга гапириш осон, жанжаллашмай кўринг-чи, мен бир кўрай...", — деб кутулди.

Хуллас, нима десам ҳам жавоби тайёр: "Сизга гапириш осон... Уринида сиз бўсангиз, ўзингиз ҳам шундай қилган бўлардингиз. Кошқийди кўлимдан келса-ю, бирдан ташлаб кутулсам..." Бир кеча нисан! Агар ҳозир гапингни қайтариб олмасанг... ", — деб ўшқирдим. Стадионга биринчи келишим эди. Шунинг учун футболга ишқибозликнинг тартиб-қоидасини яхши билмасдим. Агар ўйин давомида биронтаси сенга: "Жинни", — деса ҳам аҳамият бериш керак эмас экан. Мен гапимни тугатар-туғатмас ҳалиги одам бурнимга мушт туширди. Гурс этиб ерга йиқилдим. Яхшиям иккимизни ажратиб қўйишди. Йуқса, ҳалиги одам мени ўлдириб қўярди. Ерма ётибман. Оғиз-бурним қонга беланган. Ҳеч бўлмаса ўғлим келиб кўлтигимдан кўтарар, деб ўйлагандим. Қаёқда дейсиз... Мен унга "Ўғлим, ёрдам бер!" — десам, менга қараб: "Шошманг, дада. Ҳозир. Мана... Мана гол бўлади ҳозир...", — дейди.

Бурнимга дастрўмоли босиб ўринимдан турдим. Бу сафар ноҳақлик билан урган голи ҳисобга олинмаган жамоага ичим ачиди. У жамоадаги бирон ўйинчининг оёғига тўп тегиши билан ўзини тўтиб туролмай диган бўлидим. Гўё тўп менинг оёғим остида. Худди тўпни ўзим тепаётгандек астойдил оёғимни силтайман. Ора-сера

Ёнида газ суви сотилаётганди. Шишасини шартта олиб, ҳақамга қаратиб отдим. Яхшиям кўлимга бомба тўшмаган экан. Бўлмаса мен ҳам ҳақамга қараб иригтардим. Бир пайт қалавур бошланди. Гол бўлди деганлар билан бўлмади деганлар бир-бирига ташланди. Ур-тўполон, ўт эгасини танимайди. Мен ёнидагини ваҳоят билан бир чангаллаган эдим, ўн ёшли бола экан. Хайрият у: "Амаки, мен сизнинг жамоангизданман", — деб қолди. Болани қуйвордим. Шу пайт кимдир мени дўппослаб кетди. Урганга ҳам шунақанги урардики, худди коптоклек учириб юборарди. Ёрдам қўлиб, ўғлимни ахтараман, йуқ, Қарасам, майдонга тушиб, ҳақамни дўппослапти. "Полиция!", — деб бақирсам, полициячилар ҳам бир-бирини урпти. Улар оломон орасига кириб олган. Бири ўйинчиларни уради, бошқаси томошабинлардан таёк ёлди. Мени дўппослаётган одамга қараб: "Ўртоқ, сен қайси жамоадансан, яна иккаламиз бир жамоадан бўлмайми. Бекордан-бекорга мени ураётган бўлма тагин", — дедим. Яхшиям шу гапни айтибман. Иккимиз бир жамоанинг муҳлиси бўлиб чиқдик. Лекин у одам ғирт инфоссиз экан. "Энди қарши жамоадан кимни топаман", — деб яна мени муштай бошлади. Жон ҳолатда унинг қўлидан отилиб чиқдим. Томошабинлардан бири жанжаллашга одам қолмагандан, бечора, трибуна ёғочларини тишлайди.

ASLIYATDAN TARJIMA

Азиз Несин

КАЛТАК ЕМАСДАН ТУРОЛМАЙМАН!

(ҳажвий ҳикоя)

Турк тилидан Хайрулла ҲАМИДОВ таржимаси

— Барибир шифокорсиз иш битмайди, Салмон бей. Касалхонага етишнинг керак. — Бу руҳий хасталик! Оддий эмас, юқадиган дард! Жиннихонага бориб ётишим мақтумоқда. Шарофиддин бей бирдан ён томонга тисарилиб: — Ундай бўлса асло кўчага чиқманг эди, — деди. — Айтишга осон. Қанақасига чиқмай?! Бу хасталикка ўзингиз чалинсангиз, кўрардингиз уйда ётиш нимадигини. Касалигини ўғлимдан ўқтирдим. Аммо унинг аҳволи менникидан бешбаттар! Уғлим мишени битира олмади. Тўққизинчи синфни икки йил деганда тугатди, зўрга ўқинишга ўтди. Унингча ҳам икки йил ўқиди. Ҳаммасига шу лавозим тўп айбдор. "Эй бола, келажакнингни ўйласанг-чи!" — десам ҳам парво қилмади. Мен унинг келажакдан хавотирладим. Футбол бўлган кун ярим кечаси худди жангдан чиққандек уйга қайтди. Ниҳоят, чап оёғи синди-ю, тўп ўйномай қолди. Шунга ҳам хурсанд бўлдим дег. Чўнки оёғи синиб қолганида, яна бир ўйнамо ули ўлдириб қўйишлари таяин эди. Ҳамма бало-қазо синган оёғига урган бўлсин, ҳар ҳолда шу ўғлимиз қўлимизнинг оқу қораси... Бизга унинг футбол балоидан кутулганинингни ўзи етарли. Вой-вой-вой, сўякларим зирқираб кетяпти. Шундай деб у яна гапила давом этди: — Бу футбол жинниси. Бола ўзи ўйнамас ҳам томошага бормасдан туролмайди. Уйин Анқарада бўладими,

ўғлим йуқолиб қолди. Қидириб, полиция маҳкамасидан топдик. Уйин пайти тўполон кўтаргани учун полициячилар олиб кетган экан. Яна бир кеча тез ёрдам бўлимидан топиб келдик. "Елвораман, ўғлим, бизга ачинмасанг ҳам, ўз жонингга раҳминг келсин! Бу кетишда охири-оқибат ўзингни хароб қилиб қўясан", — дейман минг хавотирда. "Билман, лекин ўзини тўхтаста олмасам нима қилай?! Танаси бошқа дард билмас, дейдилар, айтишга осон. Қўлингиздан келса, бир иложини қилинг", — дейди. "Бўпти, бу сафар ўзим бораман сен билан, бир кўрай-чи", — деб ўғлим билан стадионга бири борадик.

Уйин бошланди. Қайси жамоага-ишқибозликнингни ўзим ҳам билмайман. Ким ютса-ютсин, менга барибир. Майдонга эмас, кўпроқ томошабинларга қарар, гўё уларнинг устидан масхара қилиб қўлиб ўтирар экан. Бир пайт ўнг томондаги дарвозага гол уриди. Аммо голмисан-го! Қарангки, ҳақам ҳисобқилликка чидаб туролмадим: "Ҳақамга кўзойнак беринг!", — деб бақирдим. Бошқалар ҳам менга қўшилиди. Шу десангиз, томошабинлардан бири менга қараб: "Ҳақам ҳақ, гол бўлган йуқ!", — деса бўладими. "Нима дейсанг, бундан ортиқ гол бўладими? Ҳақам ноҳақлик қилди. Нариги жамоадан пора олгани аниқ", — дедим ён бермай. У одам менга бақирди: "Эсинг жойидими, шунақам гол бўладими?" — деди. Унга қараб: "Менга қара, ўзинг жин-

Бирдан ҳамма жимиб қолди. Уйин янгиладан бошланди. Жамоамизга руҳ бағишлаш учун: "Я-я-ш-ш-ш! Бизнинг жамоа кўп яшай!" — деб бақира бошладик. Охири овозим чиқмай қолди. Ёнида тунуқани ногора қилиб чалаётган бировга қўшилиб мен ҳам тунуқани уришни бошладим. Асл қибмат ана шундан кейин бошланди. Майдонда икки ўйинчи бир-бири билан уришиб кетди. Биз, муҳлисар ҳам бир-биримизга ташландик. Биттаси мени оёғимдан кўтариб олди. Учиб кетаётганимни билмаман. Кейин нима бўлганини эслолмайман. Касалхонада кўзимни очдим. Шарофиддин бей: — Демак, туша ўйинда шу ахволга тушиб эдинг, — деди. — Буниси ҳали ҳолва. Эртаси кун жамоамизнинг ўйини бор экан. Қани энди, ўзини тўхтаста олсам... Биров мени боғлаб қўйса ҳам фойдаси йуқ. Воҳ-воҳ... Ҳамма жойим зирқирайди.

Салмон Бейнинг бинтланган қўлидан бир нарса ерга тушди. Эғилиб уни олар экан: — Бу шу тунука, — деди у. — Бақирвериб овозим бўлмаса, тунуқани чаламан... Автобус тўхтади. Бутун танаси бинтланган одам инқиллаб-синқиллаб ўрнидан турди: — Саломат бўлинг, Шарофиддин бей. — Энди йул бўлсин, қаёққа? Шифокорангми, қанақа шифокорна, футболга! Оҳ! Воҳ! Ух! Их!

BIR SHINGIL FALSAFA

Аҳамбек АЛИМБЕКОВ

ДўСТ ҚИЛИБ ОЛ

Базилар кўролмасларан номлиб қолдим. Сен, аввало, тилингни, кўзингни, қўлингни ўзингга дўст қилиб ол, кўролмаслар кўздан йўқолади.

МОМОҚАЛДИРОҚ

Ёр юзидоги ишларни кўриб, осмоннинг кўздан ўт чакнаб, букириб юборди.

МУАССИС
ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

БОШ МУҲАРРИР
Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Камолитдин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзақонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова — бош муҳаррир ўринбосари ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари ("Молодежь Узбекистана"); Елена Калинина — масъул котиб ("Молодежь Узбекистана").

ДИЗАЙНЕРЛАР
Рўзиев Зафар Хусанович
Абдуллаев Хуршид Уктамонович

«YOSHLAR OVOZI» дан материалларни кўчириб босиб тахрират руҳати билан амалга оширилиши шарт. Тахриратга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Навбатчи
Нодирабегим Жамопова

Тахрират манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.
(371) 233-79-69 (факс).
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақоғозиди.
А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203
Баҳоси келишилган нарҳда.

Бўғичи Г.-438
Адаби — 22798
Восилка тўловлари вақти — 21.00
Телерадио — 01.10
Ҳайр — 20.10